

Ушбу сонда:

Усмонхон АЛИМОВ. Шодлигимиз чандон зиёда бўлди	2
Шовосил ЗИЁДОВ. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Франция илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлиги	4
АЖДОДЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ	
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандий Самарқандийнинг “Мухталафур ривоя” асари ҳақида	6
Муслим АТАЕВ. Маждуддин Уструшаний ва унинг илмий мероси	10
Мўмина РАХИМОВА. Абдурауф Фитрат асарларида оила ва ахлоқий тарбия масалалари	13
Умид МАВЛЯНОВ. Фахруддин Али Сафий дунёқарашининг айрим жиҳатларига оид	15
МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ	
Гулбаҳор ТўРАЕВА. Ёшларни “оммавий маданият” таҳдидидан ҳимоя қилишда маънавий хизматнинг назарий ва амалий воситалари	18
Жамшид ОЧИЛОВ. Техноген цивилизация шароитида “оммавий маданият”нинг ёшлар онгига салбий таъсири	20
Ахмаджон УМУРЗАКОВ, Аминжон ЮСУПОВ. Замоनावий деструктив ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари	22
ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН	
Ғуломжон САПАЕВ. Марказий Осиёда халқлараро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашда диний қадриятлар ва миллий маънавий меъросимизнинг ўрни	25
Аслиддин ОБИДОВ. Ўзбекистонда конфессиялараро ҳамжиҳатликнинг дунёвий ва диний асослари (Ислохотларнинг тезлашуви даври мисолида)	28
ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ	
Шокир ҒАФФОРОВ. Ўзбекистондаги мадрасалар тарихидан	30
Абдулҳамид ЗАЙРИЕВ. Шарқ историографиясида “саёҳатнома”лар: уларнинг юзага келиши ва тарихий тақомили	33
Фурқат ТОШБОЕВ. Уструшона чорвадорларининг исломгача бўлган диний эътиқодлари ҳақида	36
Назира МИРЗАЕВА. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга доир	38
Назокат МАТКАРИМОВА. Никоҳ тўйи билан боғлиқ ирим-сиримларда қадимий диний эътиқодларнинг кўринишлари	41
Лутфия ҚОДИРОВА. Россия империясининг Марказий Осиёдаги диний сиёсати	43
Нуриддин МУСАЕВ, Ҳусан ХУШВАҚТОВ. 1946-1970 йилларда Ўзбекистоннинг янги ерларини ўзлаштиришда кадрлар қўнимсизлиги: сабаб ва оқибатлар	46
Шаҳобиддин ЎРОЗОВ. Буюк Темур меросининг очилмаган қирралари	48
Улуғбек ОЧИЛОВ. Тарихий учрашув: Амир Темур ва Ибн Халдун	51
Хамдам МАТЯҚУБОВ. Қадимги Хоразмда маданий-хўжалик марказларининг вужудга келиши, шаклланиш босқичлари ва этник жараёнлар (милoddан аввалги X-V асрлар)	54
Ҳусен ДЖУРАЕВ. Бухоро хаттотлик мактабининг ўзига хослик анъанавийлиги	57
ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ	
Shodmon ASHUROV. Alisher Navoiy adolat va insonparvarlik tamoyillari xususida	60
Гўзал БОЙҚЎЗИЕВА. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигининг айрим жиҳатлари	62
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Ватанпарварлик ахлоқий тамойил сифатида	65
Марҳабо АЧИЛОВА. Гендер тенглик: илмий-назарий таҳлил	67
Сайёра ДЖАСАНОВА. Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишнинг асосий омиллари	69
Асрор МУЗАФФАРОВ. Маданиятлараро мулоқот тақомиллаштиришнинг сацио-маданий омиллари ва замоनावий муаммолари	71
Мақсуд ЖАББОРОВ. Малака ошириш тизимида замоनावий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг илмий-методик асослари	73
Шахло ИСАХОВА. Ҳомила ривожланишини сунъий йўл билан тўхтатиш биоэтиканинг тиббий ахлоқий муаммоси сифатида	75
Ойдин МЎМИНОВА. Мурожаат бирликларининг социоллингвистик хусусиятлари	77
ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР	
Шаҳноза ТУРСУНҚУЛОВА. Санъатнинг маънавий тарбиявий аҳамияти ва синергетика хусусида	81
Ижод АҲМЕДОВ. Миллий ғоя, мафкура ва фалсафий методология	83
Зебинисо АҲМЕДОВА. Абу Райҳон Берунийнинг ёшлар тарбиясига оид фалсафий қарашлари	85
Хушвақт ДОНИЁРОВ. “Динийлик” ва “дунёвийлик” тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили	88
Ақбаржон ДУШАЕВ. Дахлдорлик ва дахлдорлик туйғуси тушунчаларининг мазмун моҳияти	91
Васила ЧЎЛИЕВА. Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларида илмга муносабат	93
Дилноза САДАНОВА. Инсон манфаатларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти	95
Ёрқин ТУРОПОВ. Инновация ва интеллект: уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ижтимоий – фалсафий мазмуни	97
ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР	
Марҳаматсиз кишига марҳамат қилинмайди	100

Шодлигимиз чандон зиёда бўлди

25 апрель куни Ўзбекистон му- сулмонлари идорасида давлатимиз Раҳбарининг 16 апрелдаги “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирла- ри тўғрисида”ги Фармонида бел- гиланган вазифаларнинг ижросига бағишланган диний соҳа ходимла- рининг видеоселектори бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идо- раси раиси, муфтий Усмонхон Али- мов ҳазратлари маъруза қилди.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху.

Ўзининг зоти ва сифатларида ягона ва тенгсиз Аллоҳ таборак ва таолога ҳамду санолар, ҳазрат Муҳаммад мустафо ва у зотнинг аҳли оилалари, барча саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин!

Шу йилнинг 16 апрель санасида Муҳтарам Президентимиз томо- нидан имзоланган “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармон барча мўмин-мусулмонларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Айниқса, ди- ний соҳада хизмат қилаётган имом-домлалар, мударрис ҳамда илмий тадқиқотчиларга берилган им- кон шодлигимизни чандон оширди.

Фармоннинг биринчи бандида “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ғояси алоҳида қайд этилган. Ана шу эзгу тамойил диний-маърифий соҳада олиб борилаётган барча ислохотларнинг бош ғоясига айланди. Ёшларнинг диний, ақидавий саводхонлигини ошириш, таълим-тарбиясини яхшилаш, уларни бузғунчи кучлар таъсирига тушиб қолишдан асраш энг долзарб вазифалардандир. Зеро, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратлари: “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”, дега- нида жуда ҳам тўғри, чуқур маъноли ҳақ гапни айтган. Мўътабар манбаларда илм-маърифат фазила- ти ҳақида жуда кўп маълумотлар келган. Жумладан, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Ким дунёни хоҳласа, тижорат қилсин, ким охиратни хоҳласа, зоҳид бўлсин ва ким иккисини ҳам хоҳласа, илм олсин”.

Фармон асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилиши барча диний таълим муас- сасалари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан тўла таъминлаш ва илмий-тадқиқот ишларини тизимли давом эттиришга муносиб шароит яратади. Халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари филиалларида имом-хатиблар- нинг малака ошириш курслари ташкил этилиши эса уларнинг илм-маърифатлари юксалиб бориши, дунёқарашларининг янада бойишига хизмат қилади.

Фармоннинг 8-бандида “Вақф” фонди ташкил этилгани қайд этилиб, унинг вазифалари белгилаб берилди. “Вақф” фондидан имом-хатиблар ойлик маошларини кўпайтириш, уларни текин уй-жой би- лан таъминлаш ҳам Фармонда белгилаб қўйилгани имом-домлаларнинг қалбини шодликка тўлдирди. Юртимизда 2050 дан ортиқ масжид фаолият олиб бораётган бўлса, имомларга ойлик тўлаш турлича тартибда, ҳар бир масжид ўз имкониятидан келиб чиқиб ойлик маош белгилар эди. Энди мазкур Фар- мон асосида имом-хатиб, имом ноиби, мутавалли, муаззин ва бошқа ходимларга ҳақ тўлаш тизимли равишда амалга ошириладиган бўлди. Бунинг ижобий натижаси жуда ҳам катта бўлади, иншааллоҳ.

Аввало ойлик маоши белгиланган имомнинг ўй-фикри масжидда хизмат қилиш бўлади. Фармон- да имомларни текин уй-жой билан таъминлаш белгилангани уларнинг хурсандчилигини зиёда қилди. Маълумки, баъзи имомлар ўзлари хизмат қилаётган масжиддан анча узоқда яшайди, масжидга 50-60 километр масофа босиб келади имом-домлалар ҳам бор. Энди имомга масжидга яқин худуддан те- кинга уй-жой берилса, масжидда унинг доимий бўлишига эришилади.

Фармонга донишмандлик билан киритилган бандлардан яна бири пенсионерларга уларнинг ушбу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда пенсиялари тўлиқ тўланиши масаласидир. Чунки аҳли илмлар айнан мўйсафидлик ёшига етганда пишиб-етилади ва ҳақиқий олиму донишмандга ай- ланади. Уларни мана шундай мева берадиган ёшга етганда пенсияга кузатиб юборишдан юртимиз аҳли кўп нарса ютқазади. Илм сарфлангани сайин кўпайгани каби олимлар ҳам тажриба тўплагани сайин сермахсул бўлади.



Усмонхон АЛИМОВ
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Фармон туфайли яна бир катта орзуимиз амалга ошадиган бўлди. Маълумки, юртимизда фан арбоблари ва бошқа соҳа вакилларини рағбатлантирадиган мукофотлар мавжуд. Масалан, адабиёт аҳли учун “Навий” мукофоти берилди. Аммо бутун умрини Исломи дини хизматига бағишлаган, маърифат улашиш билан ўтказган, кўп китоблар нашр эттирган, панду насихатлари билан одамлар қалбини ёритган уламоларимиз учун махсус мукофот йўқ эди. Мухтарам Президентимиз Фармонида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, Исломи илм-фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган уламоларни рағбатлантириш мақсадида “Имом Бухорий” давлат мукофотини таъсис этгани ҳақиқий хурсандчилик бўлди.

Шунингдек, диний-маърифий соҳада намунали фаолият юритаётган соҳа вакилларини рағбатлантириш, шу жумладан, давлат мукофотларига тавсия этиш диний ходимларнинг хизматларини қадрлаш йўлидаги яна бир улкан қадам бўлди. Ҳар бир неъматнинг қийматини билиш учун киёслаш лозим бўлади. Ушбу бандда кўзда тутилган ҳолат ўтган вақтлар мобайнида қузатилмаган. Албатта, қилинган ва қилинажак ишлар, аввало, Аллоҳ ризоси учун бажарилади. Аммо бевосита давлат Раҳбари томонидан ҳам рағбатлар бўлиб туриши, жамият миқёсида эътирофга, мукофотга сазовор бўлиши кишини руҳлантиради, шодлантиради, кейинги ишларда янада ғайрат-шижоатли бўлишга ундайди. Бу эса динимиз кўрсатмаларига ҳам уйғун келади. Зеро, Аллоҳ таоло Раъд сурасининг 29-оятда: «Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун “тубо” (хушнудлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордин», деб марҳамат қилган.

Ўтган давр мобайнида ҳар бир вилоят вакиллиги моддий-техник базаси мустаҳкамлаб қўйилди. Мана шундай шароитлардан кейин бош имом-хатиблар, домлалар, мударрислардан ҳудудлардаги соғлом диний муҳит борасида натижа талаб қилишга тўла асосларимиз бор. Энди улардан берилган имтиёзларга яраша жавоб кутамиз. Дарҳақиқат, қўлни қўлга бериб, ҳамжихатликда ишласак, Аллоҳ таолонинг: “Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!..” мазмунидаги даъватига оғишмай итоат қилган бўламиз. Бундай хайрли ишларимизнинг биргина мисолини Қуръони карим мусобақасининг республикамиз миқёсида жуда гўзал шаклда ўтганида кўришимиз мумкин. Халқимиз бундан беҳад қувонди, файзли мусобақа мобайнида кўпимизнинг қалбимиз эриб, кўзимизга ёш келди. Бу ишларда мухтарам имом-домлалар, мударрисларимизнинг ҳиссаси жуда катта бўлганини эшитиб, кўриб, билиб турдик. Ўз навбатида, мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Ҳадиси шариф билимдони” Республика танловида ҳам фаоллик кўрсатишга даъват этаман.

ИЛМ ФАЗИЛАТИ

Илм олмоқ шарафдир, фазилати ўзгача,

Юзни нурафшон айлаб, зиё берар кўзгача.

Безак берар зеб берар, ҳатто оддий сўзгача,

Илм олгин, илм нур, илм битмас кону дур,

Илм олгин у ғурур, қалбга баҳи этар сурур.

Билган билан билмаган тенг бўлмайди ҳеч замон,

Яратганнинг қаҳридан билганлар қўрқар ҳамон,

Илм олиш лаззатин билмайин ўтган ёмон,

Илм олгин, илм нур, илм битмас кону дур,

Илм олгин у ғурур, қалбга баҳи этар сурур.

Қувончларга шодликка тўлай десанг илм ол,

Пайғамбарга меросхўр бўлай десанг илм ол.

Ўз халқимнинг олқишин олай десанг илм ол,

Илм олгин, илм нур, илм битмас кону дур,

Илм олгин у ғурур, қалбга баҳи этар сурур.

Барча борлиқ истиғфор айтиб турар олимга,

Илму амал бўлмаса айланасан золимга,

Роббим шафқат айласин десанг ночор ҳолимга,

Илм олгин, илм нур, илм битмас кону дур,

Илм олгин у ғурур, қалбга баҳи этар сурур.

Эй Боқоний дунё деб ақлингни зор айлама,

Аҳли илмга боққин нафсингни ёр айлама,

Илм билан қалб тирик фазлингни хор айлама,

Илм олгин, илм нур, илм битмас кону дур,

Илм олгин у ғурур, қалбга баҳи этар сурур.

Отабек БОҚОНИЙ

